



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 167 (9.970)

2003 йил 26 АВГУСТ

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони бериш тўғрисида

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шўхрати ва обрў-эътиборини янада юксалтириш, ислохотларни амалга ошириш борасида давлат ҳамда халқ олдидаги улкан хизматлари, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳалардаги узоқ йиллик қаҳрамонона меҳнати, халқимизнинг бебаҳо маданий-маънавий меросини сақлаш ва ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси учун қуйидагиларга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилиб, олий нишон — «Олтин Олдуз» медали топширилсин:



**Абдуразаков Абдурахман** — «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси пўлат эритиш цехининг оператори




**Мухамеджанов Закир (Зикир Мухамаджанов)** — Ўзбек миллий академик драма театри актёри



**Нарзуллоев Ахмат Имидович** — Сурхондарё вилояти Денов туманидаги «Лочин» фермер хўжалиги раиси



**Сагатов Серикбай Жузжасарович** — Навоий вилояти Томди туманидаги «Бирлик» ширкат хўжалиги бош чўпони



**Эргашев Аваз** — Самарқанд вилояти Жомбой туманидаги Х.Низаматов номи ширкат хўжалиги раиси



**Қаипбергенов Тулпегерген** — Қорақалпоғистон Республикаси Ёзувчилар уюшмасининг раиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 2003 йил 25 август

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### Ўзбекистон фани ва маданиятининг ривожига улкан ҳисса қўшган марҳум фан, адабиёт ва санъат арбобларини мукофотлаш тўғрисида

Ўзбекистон фани ва маданияти ривожига беқиёс ҳисса қўшган, бутун ҳаётини эл-юрт равнақи, халқимиз маънавиятини асраб-авайлашга бахш этган ватандошларимизнинг хотирасини ёд этиб ҳамда улар қолдирган бебаҳо илмий-ижодий меросини инобатга олиб, қуйидаги марҳум олим, адиб ва санъаткорлар «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотлансин:

**Восит Воҳидов** — академик  
**Маҳмуд Мирзаев** — академик  
**Асқад Мухтор** — Ўзбекистон халқ ёзувчиси  
**Иброҳим Мўминов** — академик  
**Раҳим Пирмухамедов** — Ўзбекистон халқ артисти

**Толибжон Содиқов** — Ўзбекистон халқ артисти, бастакор ва дирижёр  
**Сойиб Хўжаев** — Ўзбекистон халқ артисти  
**Рихард Шредер** — академик  
**Шухрат (Фулом Алимов)** — Ўзбекистон халқ ёзувчиси  
**Раззоқ Ҳамроев** — Ўзбекистон халқ артисти

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 2003 йил 25 август

### «ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» АНЪАНАВИЙ ХАЛҚАРО МУСИҚА ФЕСТИВАЛИ ИШТИРОКЧИЛАРИ ВА МЕҲМОНЛАРИГА

Муҳтарам фестиваль қатнашчилари!  
Хурматли меҳмонлар!  
Хонимлар ва жаноблар!

Сизларни қадимий ва бетакорр Ўзбекистон заминиди, ер юзининг сайқали деб ном олган Самарқанд шаҳрида тўртинчи бор ўтказилаётган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг тантанали очилиши муносабати билан самимий муборакбод этаман.

Қўнра тарихимиздаги не-не буюк ва унутилмас воқеаларнинг гувоҳи бўлмиш бу муаззам шаҳарда бошланётган ушбу санъат анжумани миллатлар ва инсонлар қалбиди азалдан яшаб келаётган эзгулик ва нафосатга интилиш туйғусини, бугунги кунда турли халқлар ва цивилизациялар ўртасида ўзаро мулоқот ва ҳамкорликка бўлган эҳтиёжнинг нечоғлиқ катта эканини яққол намоён этиб турибди.

Одамзот ҳаётининг доимий ҳамроҳи бўлган ва унинг маънавий дунёсини тўлдириб, доимо эзгулик ва покликка қўрлаган илоҳий қудрат - мусиқа санъати, ўзбек халқининг буюк мутафаккир шоири Алишер Навоий таъбири билан айтганда, кўнгил қуввати, руҳ саодатидир.

Бу абадий ҳақиқатни, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар қайси она ўз фарзандига айтадиган алла оҳанглариди, инсон зотининг ҳар қандай ҳолатда - ёруғ ва қувончли кунларда ҳам, бошига мусибат тушган қайғули лаҳзаларда ҳам мусиқанинг мўъжизаскор кучидан мадад ва таскин топишида кўриш мумкин.

Айниқса, халқлар ва маданиятлар тобора яқинлашаётган ҳозирги глобаллашув даврида, шиддаткор тараққиёт асрида, шу билан бирга, сайёрамизнинг турли бурчларида ёвуз қулар ўз қабил ниятларини амалга оширишга уринаётган бир шароитда, ер юзиди ҳаётни асраш, одамларни эзгулик ва барги-кенгликка давлат этишида маданият ва санъат, ҳусусан, мусиқа дунёсининг таъсири беқиёс экани барчангизга яхши аён, деб ўйлайман.

Сиз, азизларнинг Ўзбекистон диёрига ана шундай интилишлар билан ташриф буюрганнгизни биз жаҳон мусиқа жамоатчилиги томонидан халқимизнинг бебаҳо тарихий ва маънавий меросига, замонавий ўзбек мусиқа санъатига кўрсатилаётган ёрқин ҳурмат-эҳтиром ифодаси деб қабул қиламиз. Шунинг учун ҳам бу анжуманга на-

фақат ўзининг бетакорр санъатини, айна пайтда ўз она юртининг нафасини ҳам олиб келиб, ўлмас миллий қадриятларини намоён этадиган барча фестиваль қатнашчиларини, жумладан, Австрия, Арманистон ва Афғонистон, Буюк Британия ва Бангладеш, Германия ва Греция, Грузия ва Озарбайжон, Италия ва Испания, Индонезия, Исроил, Латвия ва Литва, Россия ва Руминия, Туркия ва Украина, Хитой ва Хиндистон, Эрон ва Эстония, Япония ва Жанубий Корея, Миср ва Саудия Арабистони санъаткорларини, ён қўшиларимиз бўлган Қирғизистон ва Қозоғистон, Тожикистон ва Туркменистондан келган иштирокчиларни қутлаш, барчангизга ўз номидан, бутун ўзбек халқи номидан миннатдорлик билдириб, энг самимий тилакларимизни изхор қилиш менга чексиз мамнуният бахш этади.

Ишончим комилки, Самарқанднинг мусиқа ўстафоси, мовий гўмбазлари остида ўтадиган ушбу нафосат байрами, санъати теран тушунадиган, санъаткорни юксак қадрлайдиган халқимиз вакиллари билан бўладиган мулоқотлар, учрашув ва суҳбатлар сизларда ўчмас таассурот қолдиради, юртимиздаги беқиёс тарихий обидалар, меҳмондўст элимизнинг олижаноб фазилатлари узоқ вақт ёдингизда сақланиб қолади.

Мен, фурсатдан фойдаланиб, «Шарқ тароналари» мусиқа фестивалининг қисқа муддатда халқаро миқёсда катта обрў ва эътибор қозонишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган ЮНЕСКО ташкилоти ҳамда Халқаро мусиқа кенгаши вакилларига аллоҳида ташаккур билдирмоқчиман.


Сизларни аънанавий «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг очилиши билан яна бир бор қутлар эканман, башарият тафаккурининг буюк хазинаси, инсоний ва маънавий камолот рамзи бўлган мусиқа санъатини бутун дунёда тарғиб қилиш, одамларни нафосат ва гўзалликка одино этишдек олижаноб фаолиятингизда янги ютуқлар, анжуман ишига эса муваффақият тилайман.

Ўзбекистон диёрига, «Шарқ тароналари» мусиқа фестивалига хуш келиб-сиз, муҳтарам дўстлар!

ИслОМ КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

## ЯНГРАСИН ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ

Давлатимиз раҳбари ИслОм Каримов ташаббуси билан бу йил тўртинчи бор ўтказилаётган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали маданиятимизни янада чуқур ўрганиш ва юксалтиришга, миллий санъатимизни жаҳон миқёсида кенг тарғиб этишга, ёшларимизни унутилмас ва бой аънаваларимизга муҳаббат руҳида тарбиялашга қаратилаётган яна бир улкан эътибор намунасидадир.



25 август кунни қўнра ва ҳамшира навқирон Самарқанд шаҳрида аънанавий «Шарқ тароналари» тўртинчи халқаро мусиқа фестивалининг тантанали очилиши маросими бўлди.

(Давоми 2-бетда).

# ЯНГРАСИН ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Жахон цивилизациясининг бешикларидан бири бўлган бу фусункор шаҳарда асос солинган «Шарқ тароналари» мусика фестивали халқлар майдонида тобора кенг эътибор қозониб, нафақат Шарқ, балки бутун жаҳонда кўплаб санъат намояндаларини ўзига жалб этаётгани, қисқа фурсатда катта нуфузга эга бўлиб бораётганидан далолатли. Бу галги фестивалда кўплаб хорихлик мусика ихлосмандлари ҳам томошабин сифатида иштирок этмокдалар.

Регистон майдонидаги улкан амфитеатр томошабинлар билан тўлган. Кўхна тарихинг боқий гувоҳи бўлиш миноралар ранго-ранг чиқроқ ёдгусида афсонавий кўриниш касб этган.

Анжуманга катта ҳозирлик қўрилди. «Ешлик», «Сўғдиёна» истироҳат болларидан улкан ободончилик ишлари амалга оширилди. Санъат ахли билан томошабинлар мулоқоти учун барча шароит яратилди.

Регистон майдонидаги маҳобатли саҳнага Австрия, Арманистон, Афонистон, Буюк Британия, Бангладеш, Германия, Греция, Грузия, Озарбайжон, Италия, Испания, Индонезия, Исроил, Латвия, Литва, Россия, Руминия, Туркия, Украина, Хитой, Хиндустон, Эрон, Эстония, Япония, Жанубий Корея, Миср, Саудия Арабистони каби жаҳоннинг қирққа яқин давлатидан келган таникли созандавлар, хонандалар, бастакорлар - фестивал иштирокчилари тақлиф этилади.

Майдон узра Ўзбекистон Давлат мадҳияси янграйди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримовнинг «Шарқ тароналари» тўртинчи халқаро мусика фестивали иштирокчилари ва меҳмонларига табригини Бош вазир ўринбосари Ҳ.Кароматов ўқиб эшитиради.

Маросимда сўзга чиққан ЮНЕСКО Бош конференцияси президенти Аҳмад Жалолӣ ҳамда «Шарқ тароналари» тўртинчи халқаро мусика фестивали иштирокчилари ва меҳмонларига табригини Президент Ислоом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган мажор анжуманинг халқаро санъат оламини нуфузи тобора ошиб бораётганини таъкидлади.

Анжуман кунлари «Энг ахши миллий қўшиқ ижроси учун» танлови ўтказилади. Бунда ҳар бир мамлакатдан келган қатнашчи ўз халқининг миллий қўшигини ижро этади. Тақдим этилган дастурлар миллий мусика илоҳийти намуналари, мумтоз ва замонавий мусики йўналишлардан иборат бўлиши кўзда тутилган.

Танлов иштирокчиларининг ижросини баҳолашда ўн бир кишидан иборат халқаро ҳайъат иш олиб боради.

Аънамага мувофиқ фестивал доирасида «Шарқ халқлари мусика чоғлу асбоблари» мавзuida халқаро илмий-иҷодий конференция ўтказилади.

Фестивалнинг ҳар гал миллий мусика санъатининг муайян йўналишига бағишланиши унга ўзига хослик бахш этади. Бу йилги фестивал миллий мақом санъатинизга бағишланди. Тадбир доирасидаги театрлаштирилган дастур ва гала-концертда ҳам ана шу жиҳатлар ўз аксини топган.

Саҳнада халқаро фестивал очилишига бағишланган театрлаштирилган томошалар бошланади. Миллий мусика санъатининг жаҳон тараққиётига, умумбаъшарий қадриятларга қўшган ҳиссаси бекиёс. Бунинг ифодаси сифатида саҳнада мумтоз мусикамиз, мақом намуналари, миллий куй-қўшиқлар янграйди.

Халқаро мусика фестивали тантаналари сунъий йўлдош оркали жаҳоннинг элликдан зиёд мамлакатига олиб кўрсатилади. Фестивал жараёнлари Интернет саҳифаларида ҳам ўз аксини топяпти.

Ҳа, беш кун давомида қадим Самарқанда дунё мусикасининг нодир намуналари янграйди. Бой мусика меросимиздан баҳраманд бўлади фестивал иштирокчилари ва меҳмонлари...

Назокат УСМОНОВА,  
Ақбар ҚАРШИЕВ,  
ҲА МУХБИРЛАРИ

## 1. Сиз мустақиллик йиллари ўзингиз яшаётган ва меҳнат қилаётган жойдаги қандай ўзгариш ва янгилликларни таъкидлар эдингиз? 2. Келажакни қандай тасаввур этасиз?

1. Йилдан йил афзал, деган гап бор халқимизда. Буни мустақиллик йилларида айниқса, яққолроқ сезаяпмиз.

Қалбимиздаги эзгу ниятларнинг, ота-боболаримизнинг азалий орзу-армонларининг рўёби бўлган Мустақиллик туйғунини ўтган 12 йилни она-Ватанимизда тубдан ўзгариш, янгиланиш, жаҳонга танилиш, фаровонлик сари дадил одимлаш даври бўлди, десак асло муболаға бўлмайди. Ҳар бир соҳада тадбиркорлик, ишбилармонлик асосида иш юритишга, хорижий шериклар билан ҳамкорлиқни йўлга қўйишга кенг имкониятлар очилди. Яна муҳими меҳнатини қадр топмоқда, эркин фикрларимиз, қарашларимиз ишимиз самарасида ёрқин намён бўлмоқда.

Биргина пойтахтимизни оладиган бўлсак мана шу йилларда ҳазилакам қуришлар, бунёд этишлар бўлмади дейсиз. Буни шахримизни бугун бир айланиб, эртага яна бир кезган киши аққол сезади. Бир кунда биноларнинг бир неча қаватлари, йўлларнинг кўплаб қақиримлари бунёд бўлмоқда. Банк бинолари, меҳмонхоналар, йўллар, кўприклар, лицей ва коллежлар, супермаркетлар, мухташам санъат қошоналари — санаб адоғига етолмайсиз. Буларнинг барчаси толамас қўли бунёдкорларимиз, тажрибали меъмор ва илзунвачан лоийҳачиларимиз меҳнатлари маҳсулидир. Шунинг учун ҳам ушбу йилларда Тошкентни мен бунёдкорлар, ҳақиқий мардлар майдониға қиёслагим келади. Ҳар бир ишдош пойтахтининг чиройини очмоқда, ҳусн-тароватини юксалтирмоқда. Энг муҳими эса бунёдкорлик ишларининг барчаси Ватан равнақи, мустақиллиқни мустаҳкамлаш, эл-юрт фаровонлигини таъ-

чиларимиз меҳнатлари маҳсулидир. Шунинг учун ҳам ушбу йилларда Тошкентни мен бунёдкорлар, ҳақиқий мардлар майдониға қиёслагим келади. Ҳар бир ишдош пойтахтининг чиройини очмоқда, ҳусн-тароватини юксалтирмоқда. Энг муҳими эса бунёдкорлик ишларининг барчаси Ватан равнақи, мустақиллиқни мустаҳкамлаш, эл-юрт фаровонлигини таъ-

ранглаётган Истиқлол келгуси истиқболимизни яратиб бергани биз учун энг олий бахт, ғўзал саодат.

2. «Тақдирини қўл билан яратур одам, ғойибдан келажак бахт бир афсона», деган эди улуғ шоиримиз. Шу боисдан ҳам мустақил юртимиз тақдирини, келажакни, истиқлолно истиқболни ўз қўлимизда. Уни қандай ёрқин, порлоқ тасаввур этсак, шундай куч-ғайрат сарфлашимиз, жазорат кўрсатагимиз лозим. Негаки киндик кининг тўкилган азиз заминни, она халқининг севмай, ардоқламай бўладими?! Мен шунга ишонаманки, бугунги ҳаракат, илзаниш, ташаббух, доно рағбар бошчилигидаги амалга оширилаётган барча соҳалардаги илохотларимиз ўз самарасини кўрсатади. Шунингдек, капитал қурилиш соҳасидаги илохотларни ҳам амалга оширишда бизнинг ўз ўрнимиз, масъулиятимиз бўлмоғи лозим. Ана шунда бу борадаги камчиликлар тугатилиб, муаммолар ечими топилади.

Мана шу 12 йилда эришган ютуқларимиз йилларга боғлиниб, юксалиб борар экан, унда ҳар бир ҳаюртимизнинг, «элим деб, юртим деб» меҳнат қилаётган, Истиқлолни ардоқлаётган инсонларнинг ўзига хос хиссаси бўлади. Шунинг учун ҳам баралла айтишим лозимки, мустақил Ўзбекистонимиз келажак ўзимизнинг, камол топаётган азиз фарзандларимизнинг қўлларимизда. Бу қўллар эса қудратли ва жипс. Шу боисдан ҳам эртаси нурли, йўлларимиз равшан, дилу тилда ардоқ топаётган мустақиллигимиз эса боқийдир.

### Энг афзал йиллар

«Тошкент оқшоми» газетаси анкета саволатига Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи, 50-қурилиш бошқармаси бригада бошлиғи Тоир ДАДАХОНОВ жавоб беради:

минлаш, келажакимиз ворислари бўлиш азиз фарзандларимизни манзан етук, жисмонан соғлом, бақувват бўлишларида муҳим ҳиссадир.

Шу ўринда ҳамкасбларим, бригадамиз аъзолари билан бутун куч-ғайратимизни сарфлаган, бугун эса гузалигини намён этаётган Ўзбекистон Миллий академик драма театри, «Чорсу» савдо маркази, «Қатагон қурбонлари хотираси» музейи, «Чорвоқ» соғломлаштириш оромгоҳи ва бошқа илохотларини келтириш мумкин. Уларда миллий ва замонавий меъморчилик аъналарининг уйғунлашганлиги илохотлар жозибадорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Шундан фахрланмоғимиз, гуруланмоғимиз жоизки, бунёдкорлик ишларимизнинг бунчалик ўшқинлиги, қурувчиларимизнинг ғайрат ва шижоати Истиқлолимиз шарофатидандир. Барчамизнинг дилимизда эъзозлиниб, тилимизда жа-

### XXI сағоси

Барча налбалардан олинган сўғига хабарлар

### Мамлакатимизда

- Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги Европа Ҳавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотининг Тошкентдаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда Бойсун туманида икки кунлик семинар-тренинг ўтказди.
- Теурийлар тарихи Давлат музейида Ватанимиз Мустақиллигининг 12 йиллиғига бағишлаб, «Амир Темур ҳаётидан лавҳалар», «Шоҳруҳиядаги топилавлар», «Темурий шахзодалар», «Кўли гул халқим» мавзуда туркум кўргазмалар ташкил этилди.
- «Маънавият ва маърифат» марказининг Жиззах вилояти бўлимида кичик ва ўрта бизнес қорхоналарининг экспорт имкониятларини ривожлантириш масалаларига бағишланган семинар-сухбат бўлиб ўтди.
- Бухоро давлат университетидеда бошланган халқаро илмий конференция кондесерланган муҳитда квинт жараёнларнинг долзарб муаммоларига бағишланди.
- Қашқадарё вилояти деҳқонлари бу йил галлчалиқдан тўққиз миллиард сўмдан эндроқ соф фойда олди.
- Ҳўжалик туманида ДЭУ ЮНИТЕЛ компаниясининг янги станцияси иш бошлади. Бу ерга Швециянинг «Erikson RBS-2202» фирмасида ишлаб чиқарилган энг замонавий усқуналар ўрнатилди.

## • ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИДА

# Муҳими — самарадорлик

Тошкент шаҳар ҳоқимлиғида назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳар ҳудудий комиссияси томонидан ўтган даврда амалга оширилган ишлар ўзисидан йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳоқими Рустам Шоабдурахмонов олиб борди.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллиғида Тошкент шаҳар назорат органлари томонидан 6912 текширув режалаштирилган бўлиб, амалда ҳисобот даврида 6065 таси ўтказилган. Умумий олганда режали ва режадан ташқари амалга оширилган 12309 та текширувларнинг 66 фоизидеда қонунбузарлик ҳолатлари аниқланган.

Шаҳар давлат солиқ идоралари бўйича Республика кенгаши томонидан тасдиқланган жадвал асосида 2292 та режали ҳамда 2747 режадан ташқари текширувлар ўтказилган бўлса, шундан 3049 та субъект бўйича қондабузарликлар маъжудлиғи кузатилган.

Йиғилишда текширувлар жараёнида ҳўжалик субъектлари фаолиятига зарар етказмасдан қонунчилик доирасида, ёни маъжудий тарзда ва белгиланган муддатларга риоя этган ҳолда 30 тақвим куни мобайнида, қисқа муддатли текширувларни эса бир кун ичида амалга оширишга эришилганлиғи таъкидлаб ўтилди.

Шу билан бирга, ҳудудий комиссия Йиғилишида Республика Кенгашининг ишчи гуруҳи томонидан шаҳар комиссияси фаолияти, айрим назорат идораларининг ҳўжалик иритувчи субъектларга нисбатан текширувлари жараёнида қонун ҳўжатларига риоя этиши, уларнинг кичик ва ўрта бизнес вақилларига қумаклашуви бўйича олиб борган ҳаракатлари юзасидан ўтказилган ўрганишлар натижаси муҳокама қилинди. Чунончи, бу борада илохобий ишлар қаторида камчиликлар ҳам маъжудлиғига алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, Шайхонтохур ва Сергели туман комиссиялари фаолияти талаб даражасида ташкил этилмаган, текширувларни тартибга солиш борасида қонунчилик ҳўжатларини тўшунтириш бўйича юқорида қайд этилган туманлардан ташқари, шунингдек Миробод, Юнусобод, Яққасарой, Чилонзор, Собир Раҳимов ва Ҳамза туман комиссиялари томонидан ўтган вақт мобайнида ўқув семинарлари ташкил қилинмагани натижаси улароқ шаҳар бўйича айрим ноқонуний текширишлар юзаса келган. Қўп ҳолларда туман комиссиялари текширувлар бўйича буюртмаларни тасдиқлашдан аввал таҳлил қилмасдан жиддий ёндошмагани боис жорий йилнинг биринчи ярим йиллиғида режали текширувлардан кўра режадан ташқари ўтказилган текширувлар

сонини ортиб кетгани, баъзи бир субъектлар бўйича қатъий текширувлар қўпайиб бораётгани кузатилган. Айниқса бундай ҳолат санитария-эпидемиология назорати маркази ҳамда солиқ инспекцияларига таллуқлидир. Бундан ташқари, таҳлиллар шунини кўрсатадики, ўтган уч йил мобайнида 528 та қорхона турли назорат органлари томонидан 3-4 мартаба текширилган, шу билан бирга кейинги тўрт йил ичида 3973 та ҳўжалик субъектларида умуман режали текширувлар бўлмаган.

Текширувлар самарадорлиғи ҳам паст бўлиб қолмоқда. Шаҳар бўйича бу кўрсаткич 74 фоизни ташкил қилаётган бир пайтда, масалан, тижорат банклари томонидан олиб борилган текширувлар самарадорлиғи атиғи 7 фоизга тенг бўлмоқда. Хусусан, пул маблағларининг банқдан ташқари муомаласини қисқартиришга қаратилган назорат ишлари Миллий банкнинг шаҳар бўлими, шунингдек, «Пахта», «Савдогар», «Тадбиркор» банклари томонидан суст олиб борилган.

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳар комиссияси йиғилишида юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда барча назорат органлари томонидан режали текширувлар тартибига тўлиқ риоя қилиниши, текширувлар таъсирчанлиғи ва самарадорлиғига эришиш зарурилиғига эътибор қаратиш билан бирга, ҳар бир ҳўжалик субъекти бўйича таҳлилий ҳўжатлар тақдим этилиши, тадбиркорлик тузилмаларига белгиланган текширувлар сонини 30-40 фоизга қисқартиришга эришиш лозимлиғига алоҳида урғу бериб ўтилди.

Шаҳар комиссияси кун тартибидеда «Ҳўжалик иритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонун ижроси юзасидан Давлат мулки қумитаси Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи Алишер Каримов ва Юнусобод туман ҳоқими — туман ҳудудий комиссияси раиси Равшан Пулатовнинг ахборотлари тингланди.

Комиссияда қўрилган барча масалалар юзасидан билдирилган фикр ва мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ильмира ЗАЙНУДИНОВА

## Маданият

### Кенг қамровли лугатлар

Қишлоқ ҳўжалиги техникасига доир лугатларга бўлган талаб ортиб бормоқда. Буни инобатга олиб, республикамиз мутахассис олимлари қатор янги лугат адабиётларини ёзиб тугатдилар.

Тошкент Автомобиль йўллари институтининг бир гуруҳ олимлари муаллифлигида ёзилган «Автомобиль лугати» деган номда чоп этилган адабиётлар эса оммабоп китоблар янгилик кенг оммалашди. «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» бу нашрнинг бир қисмини русча-ўзбекча сўзлар лугати тарзида босиб чиқарди. Қолганлари эса инглизча-русча-ўзбекча муштарак сўзлар лугати ҳолида китобхонларга тақдим этилди.

Ижобий баҳоланган бу лугатлар «2003 йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи» Республика танловида иштирок этаётган адабиётлар рўйхатидан ўрин олди.

### Ижобий баҳоланди

Тошкент Архитектура-қурилиш институти олимлари томонидан яратилаётган дарслик ва ўқув қўлланмалари талабаларга яхши адабиётлар бўлиб хизмат қилмоқда. Янги босмадан чиққан китоблар меъморчилик ва бунёдкорлик sanoatининг бой тажрибалари асосида юзга келди.

«Шахар муҳандислик иншоотлари» деб номланган ўқув қўлланмасы ҳам энг яхши нашрлардан бири деб топилди. «Ўзбекистон қурилиш ашёлари» номли ўқув қўлланмасы институт олимларининг самарали изланишлари натижаси бўлди.

Ана шу инкалла нашр «Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи» Республика танловида қатнашаётган адабиётлар рўйхатига киритилди. Бу эса уларнинг юқори савияда ёзилганини тасдиқлаб турибди.

### Хорижий тиллардан сабоқлар

Богча ёшидаги болалар билан хорижий тилларда машғулотлар ўтказиш борасида бой тажрибалар ортирилмоқда. Буни пойтахтимиздаги 100-болалар богчаси мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

У Яққасарой тумани халқ таълими бўлимининг таянч богчаси сифатида фаолият кўрсатмоқда. Шу сабабли чет тиллар бўйича сабоқлар бериш учун бу ерда тажриба-намуна ишлари олиб борилмоқда. Инглиз, рус, корейс тилларидан уюштирилаётган машғулотлар болаларда қизиқиш уйғотмоқда. Педагогларнинг бу борадаги кузатишлари асосида тавсиянома ҳам тайёрланди.

Тарбия маскани шунинг 70 йиллик санасини шу каби ютуқлар билан кўтиб олди.

Ақбар АЛИЕВ

### ОТА ОРЗУСИ МУҚАДДАС

... Болалиқнинг орзулари айниқса беғубор бўлади. Ана шу беғубор орзуларни рўёбга чиқаришда эса фарзанди келажагини кўришни дилдан истоган ҳар бир ота-онанинг ҳиссаси каттадир. Болалиқда «учувчи бўламан» деган ўғил болалар кўп учрайди. «Қаҳрамон бўламан» деганлари ҳам талайгина. Буни қарангки, бугунги қаҳрамонимиз Холхўжа Умаров шифокор бўлишни, эл дардига малҳам топишни орзу қилган экан. Лекин падари буз-

руквори ёлғиз ўғлининг ота изидан кетишини истади. «Опаларинг шифокор бўлишди, ўғлим, сенинг эса улкан иморатларнинг бунёдкори бўлишингни истаймэн. Эр йигитга мана шундай касбкор жуда ярашади», — деди катъий. Ана шунда фаришталар «Омин» дейишган бўлса, не ажаб... Аввалига бироз норози бўлган бўлсада, отасининг сўзини икки қилмаган Холхўжа қурувчиликни танлади. Ҳар бир ишда эса оила бошлигининг оқ фотиҳаси, ойдин орзуси ҳамроҳ бўлди. Ишни шогирдликдан бошлаган йигит бир-икки йил ўтиб устоз, сара қурувчиларга сардор бўлди. Ота-боболарининг хунарини тинмай ёзозлабди, шу тариқа касбга меҳри товланди. Қад ростлаган бинолар чирой очгани, пардозлардан сайқал толгани сари илҳомлари янада жўшди.

### УНИТИЛМАС ЛАҲЗАЛАР

... Ҳар биримиз ашар, меҳнат қилар эканмиз, ҳаётимизда из қолдирган, ҳисҳаяжонга сабаб бўлган, қалбимизда абадий муҳрланган унутилмас лаҳзалар бўлади. Йиллар ўтаверади, унутилмас лаҳзаларнинг қати ортви браверади, уларни хотирлаш эса дилингизга бир олам завқ бахш этади. Негаки улар ҳаётингиздаги ўчмас излар бўлади.

— Қурилишида озми-кўпми ҳиссам қўшилган бино ва иншоотлар мен учун ниҳоятда қадрли, — дейди Холхўжа Умаров. — Чунки унда мен ва қадрдон ҳамкасбларимнинг куч-қуввати мўжасам. Айниқса, Мустақиллик йилларида амалга оширилаётган кенг қўламдаги бунёдкорлик ишлари алоҳида таҳсинга лойиқ. Мана шу юмушлар, қурилишнинг тенгсиз мардлар майдониغا айланганлиги, ўз Ватанимиз, Истиқлол наҳидасида яшанаётган она-юртимиз, мустақиллик туфайли қадди янада юксакроқ кўтарилган халқимиз учун кураётганимиз, яратиб яшнатаётганимиз қалбимизни фаҳрга ўлдирди.

Унутилмас лаҳзалар... Улар Холхўжа Умаровнинг дили тўрида ардоқланаётган, унга бахт ато этган, эл-юртга танитган ва ниҳоят «Элим деб, юртим деб» ёниб яшаш, меҳнат қилиш иштиёқини уйғотган, меҳнатлари юксак қадр толган тотли онлардир. Уларнинг деярли барчаси Мустақиллик даврига, азиз Ватанимизнинг Истиқлол кун-

ларига тўғри келади. Олдий қурувчи, бригада сардори, иш юритувчи, қанча-қанча Фахрий ёрликлар соҳиби бўлди. «Маҳсуқурилиш» акциядорлик жамиятининг 42-қурилиш бошқармасида самарали фаолият кўрсатди. Лекин энг унутилмас 1997 йилнинг Истиқлол байрами арафаси...

### МЕҲНАТНИНГ МЕВАСИ

...Тер тўкиб ишлаган меҳнатнинг меваси тотли бўлади, дейишади. Холхўжа Умаров буни тан олади ва ҳам-

## БАХТ ЭШИГИ — МЕҲНАТДА

Инсон қалбидай гўзал, бепоён уммон топилмаса керак. Негаки одам бахтликдан бошлаб энг эзгу ниятлари, барча гўзал орзулари ана шу қалбда барқ ура бошлайди. Ушбу катта-кичик орзу-мақсадларнинг эса чек-чегараси йўқ. Бирига эришсангиз иккинчиси, унда сўнг учинчиси, хуллас, кетма-кет, бирваракайига орзу қилаверасиз, қилаверасиз... Лекин ана шундай орзуларга етишининг эса ўзи бўлмайди. Уни орзу қилган гўзал ва тўғрени қалб ёнмоғи, ана шу қалбни кўкрагида авайлаб юрган инсон эса интилмоғи, изланмоғи, мақсадларнинг рўёга айланмаслиги учун меҳнат қилмоғи керак.

ша фахрланади. Ахир, «Ўзбекистон Қаҳрамони» номига сазовор бўлишнинг ўзи бўлмайди. Қаҳрамоннинг кўкрагида олиий нишон — «Олтин юлдуз» порлади. Унинг дилида порлаган, юрак ёлқинидан чиққан ҳароратли дил изҳорининг эса чек-чегараси йўқ.

— Қалбим шундан ниҳоятда гурурга тўладики, агар Истиқлол бўлмаганида, мендай бир олдий қурувчи жуда кўпба ҳамюртларим орзу қиладиган мана шундай шарафли, жарангдор, улуг номга сазовор бўлиб, 42 ёшимда эл-юртга таниларимдими, — дейди қаҳрамон ҳақонини ашира олмай. — Шу боисдан ҳам Мустақиллик шодийёни кунларида барча бир бора энтисса, мен улардан ўн чандон кўп қувонаман. Бу асло муболага эмас, қалбим амри билан янграётган дил сўзларим. Шунинг учун ҳам қаддимизни баланд, қадримизни юксак этган, тенглар ичра тенг бўлишимизни тўла таъминлаган, Ўзбекистонни ҳақонга танитган Мустақиллигимизни эъозлашимиз, асларга татигулик ҳар бир йилни ўзгача шукўҳ, ҳисҳаяжон билан қарши оламиз. Нега фаҳрланмайлик ахир. Бугун барча бойликларнинг, гавҳар тупроғимизда етишти-раётган юрт неъматларининг эгаси ўзимиз. Она-Ватанинг гуллаб-яшнашига, бойишига ҳар қанча ҳисса қўшсак, ҳаётимиз бундан-да фаровонлашади. Шундан қувонаман, шундан оловлана-манки, падари бузрукворим Хива, Бухоро, Самарқанднинг жаҳон ахлини лол қолдираётган бетакрор тарихий обидаларини бунёд этган кўли гул усталарнинг авлоди эканлигимни, уларнинг изидан бориш, хунарларини давом эттириш лозимлигини уқтириб, мени шарафларга буржади. Бу менинг тақдирим, бу менинг меҳнатим, бу менинг Истиқлол берган саодатим.

### МАҲАЛЛАМ — УЙИМ, БЎСТОНИМ МЕНИНГ

Холхўжа Умаровнинг меҳнат фаолияти серқирра, сержило. Бунга унинг тиниб-тинчимаслиги, ташаббускорлиги, ўзи яшаб турган азиз маконга меҳр-муҳаббати аяқол далилдир. У ҳамма ўзи истиқомат қиладиган Сергели туманидаги «Ёшлик» маҳалласининг фаоли сифатида унинг ривожига муносиб ҳисса қўшиб келган. Маҳалладаги ҳар бир бунёдкорлик ишда унинг муҳим ҳиссаси бор. Шу боисдан бўлса керак, у ҳозирги кунда ҳар бир хонадони, оиласи, ёшу қариси қадрдон бўлиб қолган маҳаллага бошқоқ, маҳалла фуқаролар йўғини раиси.

— Лекин мен ҳамма бунёдкорлигимча қоламан, — дейди Холхўжа Умаров фаҳр билан. — Бугун маҳалладошларим билдирган юксак ишонч-ни оқлашга интилар эканман, аяқ мақсадим оила-лар кўрғони, меҳр-оқибат мўжасами бўлган маҳалланинг бугунги ўрнини янада аяқкорроқ кўрсатиш. Бу ерда истиқомат қил-ётган 2058 та оилага бахт, меҳр, фаровонлик ула-шиш, аёлларини улуг-лаш, қарияларини эъоз-лаш, ёшларини камол топтириш. Уларнинг барчаси буюк неъмат — Мустақиллик чашмаларидан бирдай баҳраманд бўли-шини истаймэн ва фаол-лар билан ҳамжиҳатликда ана шунга астойдил инти-ламан. Маҳаллада ҳам бу-нёдкорлик ишларини янада авж олдириб, болалар спорт иншооти, поликлинника, замонавий маиший хизмат шохобчалари қуриш, кўп қаватли уйлар атрофини гулзорга айлантириш эзгу мақсад-ларимиздан.

### ЭЗГУЛИКНИНГ ЭРТАСИ БОР

Энг улуг, энг азиз байрамга санок-ли кунлар қолди. Ўзбекистон Қаҳрамони Холхўжа Умаровда унутилмас лаҳзалар ҳада этган йиллар, истиқлол наҳидаси тараддуди авжида. Мана шундай дамлар унинг қалбидидаги қай-нос сўзларини айтиш имкониятини туғдирди. Уларни эшитиш сизни ҳам тўлқинлантирса, ажабмас: «Куним ўтаётганидан эмас, балки эртаси бориладиган, меҳнатимни кадрловчи азиз одамлар билан ҳамнафаслигимдан, ўз ўрнимдан, одамларга кераклигимдан, она-Ватан хизматига яраганимдан, эшигимни ҳар кун қоқиб турувчи ёру бир ордарларимни, маҳалладошларимни қарши олаётганимдан фаҳрларимни ашайман, ишлайман. Мустақил дўйрмин-даги ўзгариш ва янгилашиллар дунё ахлини ҳам лол қолдираётгани, истиқ-лолу истиқлолимизга ишонч қалбимга фаҳр-иштиқор туйғуларини солади. Бугунги ўзгаришлар 12 йиллик истиқ-лолимизнинг, мучал ёшидаги Мустақиллиқнинг илк кўртаклари, холос. Ҳали унинг гуллаб-яшнаб, шода-шода мева-лар туғишига, ана шу тотли неъматлардан она халқим баҳраманд бўлишига аминман. Истиқлол ва истиқ-бол ёғдуси ҳаммамизнинг дилимизни равшан айлаши, бу ёғдуда барчанинг ўз ёлқини бўлишига тилакдошман». Бу унинг қалб сўзлари, Ўзбекистон асл фарзандининг эзгу тилаклари. Бундай тилақлар эса ёниқ дилларда бўлади.

Шарифа ИЛЕСОВА

### • ОБОДОНЛАШТИРИШ ВА ТОЗАЛИК ОЙЛИГИ

## Уюшқоқлик самара бермоқда

Пойтахтимизда Истиқлол шодийёнаси тобора яқинлашаётган кунларда ўтказилаётган ободонлаштириш ва тозалик ойлигида кўп қаватли уйларни бирлаштирган уй-жой мулкдорлари ширкатлари ходимлари ҳам фаоллик кўрсатишмоқда.

Чилонзор туманидаги «Фидокор-коммуналчи» уй-жой мулкдорлари ширкатига қарашли 26 та кўп қаватли уйда ширкат ходимлари масъуллигида яшовчилар билан ҳамжиҳатликда ободонлаштириш ишлари режа асосида ташкил этилган.

— Жамоамиз ёзволари ва яшовчилар нафақат ободонлаштириш ва тозалик ойлигида, балки ҳамма ўзлари яшаётган уйлар ён-атрофини ораса сақлашга ҳаракат қилишади, — дейди ширкат бошқаруви раиси Қаҳрамон Рўзи-

мов. — Ҳозирда «17-мавзе» маҳалласи фаоллари билан ҳамкорликда уйларимиз ховлилари янада кўркам, файзли, байрамона бўлишига эришиш ҳаракатидамиз. Ана шу ниятда ҳовлиларда дарахтар ортиқча шох-шаббалардан то-

заланди, таги юмшатилиб, оқланди. Сув шохобчаларини тозалаб, гулларни парвариш-лашга, йўлақарни орасла-лашга барча сидқидилдан ён-дошаётгани самара бермоқ-да.

Мустақиллик тантаналарини эса маҳалла ахли билан биргаликда тўкин дастурхон атрофида нишонлашга аҳд қилганмиз. Бугунги ҳаракати-миз эса маҳалла ва кўп қават-ли уйлар ободлиги ва орас-талигини таъминлашда му-ҳим ҳисса бўлади.

Дилноза ФИЁСОВА

ХАТЖИЛДАРНИ ҚАЙЧИЛАГАНДА

Меҳр-оқибат йўқолмасин

Хурматли тахрирнинг ходимлари, «Тошкент оқшоми» газетасини мухталиф мунтазам мурожаат қилмаган. Ҳар айтаётган шахримизнинг ижтимоий, сиёсий, маданий ҳаётига оид янгиликларнинг кечиктирилмай чоп этилаётганлиги кишини қувонтиради. Ҳар айтаётган асосан ҳамшаҳарларимизнинг мактублари, телефон кўнғироклари асосида берилаётган «Хатлар — ҳаёт ойнаси» сахифасининг газетачилар дилдаги иш бўлди, дейиш мумкин. Камина ҳам анчадан бери «Оқшом»да қатнашишни орзу қилиб юрардим. Шу боис эътиборингизга ёшлимизда бўлган воқеа акс этган мактубимни ҳавола этмоқдаман.

МАҲАЛЛАДАГИ ИШОНЧ

Отам аср намозини ўқиб бўлиб, жойнамозини янгилаштириб улгурмасларидан кўча ашиқ тақиллаб, эркак кишининг чакирган овози эшитилди.
— Қори ака, хо қори ака...
Отам шошиб-пишиб оёққа қовушларини йўлай-йўлай илтириганча кўча ашиққа қараб кетди. Йўқолаган кимса, маҳалламиздаги Урол амаки экан. Ташқарида четланган, хозиргина кўтариб келинган қўйган бозор қопидан қўлини узиб, бош кўтарди.

Урол амаки қопдаги нарсаларни ортомқлаб қайтиб кетди.
Орадан бир човғун сув қайнар-қайнамас вақт ўтиди шекилли, эшитгимиз яна тақиллаб қолди, очдик. Яна Урол амаки қўлдаги қоп билан турибди. Отам меҳмонни тақиллаб билан ичкарига қайта таклиф қилди. Аммо маҳалладошимиз ҳижолатдан бўларди бўлган экан, унамади.

— Қуллук, Қори ака. Бояги нарсаларни уйга қайтариб олиб боргач, аёлимга Сиёзнинг жавобларини айтар-айтмасидан уришиб изимга қайтарди: «Маҳалламиздаги шундай тақводор, обрўли ва покиза одамнинг гапига қиймати, қайси юз билан шу эски тақир-туқури қайтариб олиб келдингиз, упта қолибсиз-ку», — деб мўлзам қилди одамни. Уар, Қори ака, олинг шу ҳамма буюмларни, мен ўша Сиз айтган нарха розиман.
Вазиятни тўғри тушунган отам Урол амаки билан қулиша-қулиша энгил мўтойиба қилишган бўлиб, қопдаги нарсаларни ичкари ҳовлида бўшатиб, пулни амакига узатди.

— Олинг тақсир, Сиз ҳам молингизга рози бўлинг.
— Қори ака, ташаккур, кўп ҳижолатдан чиқардингиз мени... мингдан минг розиман.
Урол амаки ҳаяжон ва ҳижолат аралаш узатилган пулни санаб кўраркан бирдан хайратга тушди.
— Ие, Қори ака, пул ошиқча... оиз сўм-ку?!

Отам сўхбатдошининг ҳаяти ва каракатлигини олдидан билгандек, жиймайиш аралаш вазмин жавоб қилди:
— Биламан, Уролбой. Олдинги нарха 20 сўмни аёлингизнинг менга билдирган катта ишонч ва ҳурмати учун қўшдим, бундан кейин ҳам онадорларимиздан тинчлик-хотиржамлик, кут-баракат ва катта-у кичикнинг орасидан меҳр-оқибат, ишонч йўқолмасин, омин.

ТААЖЖУБ

Айни муддао бўларди

Мана ниҳоят фарзандларимизнинг ёзи таътиллари ҳам турғашига оз фурсат қолди. Яна бир неча куналардан сўнг мактабларда кўнғирок қалиниб, болаларнинг ўз бағрига чорларди. Шунга таъкидлаш ҳоизки, ёзи таътилни болажонларнинг асарияти оромгоҳларда ўтказишди.

Воқеани сиз азизларга сўзлашдан мақсад, келгуси йилда оромгоҳларда бу каби камчиликлар юз бермас, тарбиячилар эса ўз вазифаларини сидқидилдан бажаришса, айни муддао бўларди.

Тажрибатдан. Хурматли «Оқшом»-жон, ушбу мактубини газетада чоп этасмикин, ёки... дея роса ўйладик. Чунки, мамлакатимизда болалар тарбияси, уларнинг билим олишларида спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун мутасаддилар томонидан катта ишлар амалга оширилганлиги ҳеч кимга сир эмас. Болаларимизнинг ёзи таътилни кунларини мазмулли ўтказишларини таъминлаш мақсадида оромгоҳлар масмулга шай ҳолга келтирилгани ҳам ҳаммамизга маълум. Қувонарли томони, нафақат, пойтахт вилояти ҳудудидидаги қўшмақсар Бўстонлик туманида, балки, шаҳримиз мактаблари қошида ҳам барча қўлайликлари бўлган оромгоҳлар ташкил этилгани ҳеч кимга сир эмас. Мактуб эгаси Аскаржон Бағаналаридек, деврли барча оромгоҳларда «Янгиқўрғон»да ҳам болажонларга дам олишлари, спорт ёки бирон хунар билан шуғулланишлари, ҳатто билимларини янада мустаҳкамлашлари учун барча шароитлар яратилди. Оромгоҳ ҳам олдувчиларининг овқат-ланншлари масаласида эса гапни қисқа қилиб шунга айтиш жоизки, таомларнинг хилма-хиллиги, витаминларга бойлиги болажонларга худди ўз уйларидагидек дам олишларига имкон беради. Энди «Янгиқўрғон» оромгоҳи масаласига келганда, шунга таъкидлаш жоизки, гуруҳ курмаксив бўлмагандек, тарбиячиларнинг масъулиятисизлиги ёки бепарволиги оқибатда оқоридида воқеа юз берсан бергандир. Умид қиламизки, келгуси йилги ёзи масмулда оромгоҳларда болалар учун яратилган барча қўлайликлардан ташқари тарбиячиларнинг малакасини ошириш устида янада изланишлар олиб борилади.

Масаланинг долзарблигини инобатга олиб, «Тошшаҳар йўловчтран» Давлат уюшмаси бошқаруви бу борада қатор тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Бир гуруҳ таниқли мутахассисларнинг шаҳар йўловчи транспорт ходимларига мурожаатида ҳам бу масалага алоҳида ургу берилди.

дИЛДАГИ ГАПЛАР ҲАММАСИ ҲАММАСИ ҲАММАСИ


Аҳолига намуналар-транспорт хизмати кўрсатиш қатор муҳим жараёнларни ўз ичига олади. Улар орасида хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш ҳам муҳим ўрин тутлади.

Хатлар — ҳаёт ойнаси

Баъзан эшитиб қоламиз «Газета — журналлар ҳам кўзқориндек қўлайиб кетди. Қайси бирини ўқишга ҳам ҳайронсан. Айрим матбуот нашрлари қўпична халқни жалғатиш, ёлгон-яшиқ ахборотларни, интернет хабарларини бериш билан овера. Халқнинг ичига кириб бориш, одамларнинг уй-фирқлари, турмуш тарзларини ҳаққоний акс эттирувчи мақолалар керак». Бу гапларда жон бор албатта. Шу босдан ҳам тахририятимиз ходимлари кўпроқ ҳамшаҳарларимиз орасида бўлишга, уларнинг дилларида кечаётган кечиктирилганларини, хоҳ танқидий, хоҳ таҳлилий бўлсин фирқаларни газетамиз саҳифаларида беришга ҳаракат қилмоқдамиз. Бу ўз самарасини беради. Тахририятимизга сиз азиз газетачилардан кўплаб мактублар олмақдамиз.

Қани масъулият билан қараб, виждонан меҳнат қилаётган транспортчилар ўзaro муомалада касбдошларига намуна бўлишадигани ҳаммага аён. Аммо, трамвай, автобус, троллейбусдан юрганнимизда айрим ҳолларда ўзaro кўпол муомалаларнинг устидан чиқамиз. Транспортчи билан йўловчи айрим сабаблар...

Мунира, «Тошкент оқшоми»да яна «Хатлар ҳаёт ойнаси» саҳифаси чиқибди. «Оқшом» менинг севимли газетам, — дея жавоб берди Муниранинг дугонаси, — айниқса, кроссвордбозлиқнинг зарари ҳаққиди мақола менга маъқул бўлди-да. «Меҳр кўп кўргуздим» сарлаҳали мақолани ҳам ўқигандирсан-а, — сўхбатин давом эттирди Мунира, — умуман кейинги пайтда жамиятимизда ўзи бераётган айрим камчиликлар муаммолар ҳаққиди газетачиларнинг хатлари босилаётгани зўр иш бўлди-да.




Ана шунанга гаплар, газетачилар. Нокамтарликка йўмангану, ана шундан сўхбатнинг тасодифан гувоҳига айланган журналистнинг қалби фахрга, ифтихорга тўлиб кетади, ўзининг меҳнати зое кетмаётганига ишонч ҳосил қилади. Бу сафар ҳам саҳифамиз материаллари сиз азизлардан келган мактублар асосида тайёрланди. Дарвоқе, ана эслатиб ўтамиз, тахририятимизга, 133-08-74 телефони орқали сим қоқшингиз ҳам мумкин.

ГАЗЕТХОН МИННАТДОРЧИЛИК БИЛДИРАДИ

Пухта билим — муваффақият калити

Баъзида айрим одамларнинг «Ҳатто олий ўқув юртиларига ҳам фарзандларни бепул киргизиб бўлмайди. Домчаларга «қуки»дан узатиш керак», деган гапларини эшитиб юрагим тақа-пука буларди. Ахир қизиқ, Лафоат унинг сифини тутади. Орзуси Тошкент молия институтида ўқиниб келган экан, онасида ҳам ортиқча пул йўқ. Аввалга роса бошимиз котди. Кейин қизимиз учун репетитор ёлладик. Узимиз қиймай, еймай Лафоатни икки йил малакали репетитор қўлида ўқитдик. У инглиз тили, математика, она тили фанларини пухта ўзлаштиради жорий йилда ҳужжатла...



Қариялар бор жойда кут бор, баракат бор. Бахтимизга доимо нурувий отахонларимиз оналларимиз омон бўлишсин.

СИЗГА ҚАНДАЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШЯПТИ?

Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик

Бозор муносабатлари шароитида жамиятнинг ҳар бир аъзоси пешона тери билан ортирган даромадини тежаб-тергаб, жой-жойига ишлатишни истаиди. Ишга овланаётганда ёки фарзандларини олий ўқув юрти, мактабга кузатаётганда уларнинг бир кунлик эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда маблағ ажратади. Лекин афсуски, оила бошлиғининг бундай режаси ҳаммиша ҳам муваффақиятга амалга ошармайди. Масалан, дейлик тушлик қилиш учун ошхонага борасиз. Манзилга ҳали етиб улгурмасданок қаршингизда официантлар пайдо бўлиб, ҳол-жонингизга қўймай овқатга таклиф қилаверадилар. Бундай манзарани айниқса, Сайлгоҳ кўчасида жойлашган кўплаб қаҳвахона ва ошхоналарда кузатишингиз мумкин. Шундайлардан бирига кирдик. Уч-тўрт нафар хўрандадан бўлак ҳеч зог йўқ. Биз ўтирган жойнинг шундай ёнгинасида сомса тандирдан узилаётган экан. Сомсапаз қачагига зўр берди:

— Кеб қолинг, дода сомса, ёқмас пул олмаймиз! Кўшни ошхонадагилар ҳам бўш келишмасди. — Нўхотли, тухумли, думбали, қазили ошга марҳамат! Сайилгоҳнинг ҳамма томонини овқатга даъват, қақирғу бақиркилар (оғзаки реклама) тута кетганди. Уриндикларга ҳали тузукроқ ўрнашмасимиздан эгнига қиройил атлас қийган, қўлида чамал-қоғоз билан официантка пайдо бўлди. — Кўнглингиз нимани тусаса ҳаммасидан бор: сомса, мант, шўрва, лағмон... — бидиллай кетди у. — Боланишига биттадан сомса татиб кўрайликчи, бунинг учун овера бўлмасангиз ҳам бўлади. У кўл узатсак етадиган жойда... — Йўқ, йўқ, ҳеч ҳам безовта бўлманлар, меҳмон деган тинчхотиржам ўтириши керак. — Биринчисига шўрва олиб келайми, бунақасини ҳали емагансиз, қўй гўшти-ю қўй ёғдан... Кейин янги помидор, бодириндан салат бор... Топангада кимдир тинмай «сайраб» тургандан кейин ўзбекчиликка борасан-у кўнглингиз ийиб, «Майли», деб юборганингизни ўзинг ҳам билмай қолсан. Шунда ҳалиги хизматчи турли ичимликлар, салатлар, нонлар билан столини тўдириб ташлайди. Кейин энг асосий мақсадга кўчади. — «Стандарт» деган янги ароқ чиққан, шунақамиз тозаки хўрандалар уни эрмак учун истаб бўлганди. Ҳеч қандай таниш-билишсиз, айрим таъмагирларга пора берилмаганди ҳам унга адолатли баҳо қўйилганди. Қувонмай бўладими? Шу боис ҳам таълим соҳасини ривожлантириш йўлида қилинаётган ислохотларга тула-тўқис ишонаман ва тан бераман. Ёшларга қарата, пухта билим олинг болаларим, албатта ниятингизга эга сиз, дейман. Тест усули ёшлар билимининг синашнинг энг адолатли усули эканлиги рости. Ҳа, ҳақиқат эгиледи, буқилади, аммо синмайдди. Уқиниша пора билан кириниш ният қилганлар аслида билими паст бўлиб, ҳар қандай сифатда ушбу мактубни тахририятга йўллади. Чунки ҳамма ҳақиқатни билсин.

Алишер ИЛҲОМОВ, Юнусобод тумани.

теъмоли килмоқдалар. Битта ишга етадимиз? Шунча «меҳмоннавоз»ликдан сўнг эркакнингиз тутаб кетади: «Э-эй топганингизни олиб келавармайсизми!» деб юборасиз. Унга фақат шу гап керак бўлгани учун ҳам бир зумда қўли орти, ёғи етти бўлиб кетади. Атрофингизда гиргитиб бўлиб камалайди айланаварида, айланаварида... — Яҳши ўтирибсизларми? Энди оғзингизга олиб борган қошиқ муаллақ қолади, эсангиз қотиб жавоб қиласиз: — Яҳши, жудам яҳши, подшолар ҳам биздай ўтирмаган бўлса керак. — Камчиликлар йўқми? Ортиқча мулозаматлардан асабларингиз тарағлашиб, «дод» деворингиз келади. Лекин бундай сертаклуф муомалага жавобан сабр-бардошли бўлишга мажбурият сезасиз. Хуллас, официант ва бизлар учун ҳам муҳим ҳисобланган ҳисоб-китоб вақти етиб келади. У дилда сўмларни бир-бирига уриштириб, икки киши учун сарф-ҳаражат 7,5 минг сўмга тушганини маълум қилади. Ким қўлиб, ким мағлуб сифатидан столи тарк этади. Ун қадам юрмасингизданок қўшни ошхонанинг официанти йўлингизни тўсиб олади: — Марҳамат кўнглингиз нимани тусаса... — Раҳмат. Биз жуда тўқимиз. Нарироқда яна шу манзара такрорланади, яна ва яна. Сай- Абдуҷаббор НАБИЕВ, меҳнат фаҳрийси.

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Товламачи тузоғига тушманг

Мана бу йилги қанча қутли ва ҳаяжонларга сабаб бўлган олий ва ўрта махсус ўқув юртига қабул имтиҳони (тест) ҳам бўлиб ўтди. Кечалари мижажа қокмай мук тушиб, китоб, «Ахборотнома» устида ўтган вақтлар абитурентларнинг умр саҳифаларида ўзининг нурили изларини қолдирган бўлса, ажармас.

Гап шундаки, бу йил ҳам ҳар йилгидек олий ва ўрта махсус ўқув юртига киришчи абитуриентларини чағиштириб, мўмайгина даромад топиш илкнингизда қаллобликка қўл урган «шаргалкафуруш»лар, боланинг ўрнига қабул имтиҳони (тест синови)га кириб, етарли баллини тўлаб, сўнгра ота-оналардан отнинг калласидек пул сурайдиган инсофсиз, қолч қимсалар учраб турди. Аммо, шуни яҳши тушуниб, етайликки — тест боланинг салоҳияти, имконияти, билимининг амалда синаб кўрайдиган одил ҳақам. Давлат тест маркази маъмурияти томонидан бот-бот таъкидланганидек, болангизни гаيري қонуний йўлар, фирибгарлик билан ўқийшга киритишни давво қилувчилар товламачилардан бошқа ҳеч ким эмас. Шу боис, ота-оналар, маҳалла фаоллари, абитурентларнинг шах- Бизнингча, шунга ўхшаш оқилона йўллардан юрсак, эртаммизни ишончли қўлларга топширган бўлуридик.

Ҳидоят ПАРПИЕВ

## Шарфа олам Спирт булут

Коинотнинг чеки-чегараси бўлмаганидек, унда яширинган сирлар ҳам поёнсиздир. Яқинда инглиз мунажжимлари коинотда сузиб юрган спирт булутларидан иборат гоят улкан булутни илға қолдилар. «П.М. Магадин» деб аталувчи немис журналининг хабар беришича, ушбу булутнинг ҳажми бир секстиллион метрга тенг бўлиб, бутун Куёш системасидан ҳам катта экан. Бу гайриоддий булут Оққуш, Бургут ва Лира юлдуз туркумларининг ораллиғида сузиб юркан. Бургут юлдуз туркумидаги ёриткичларидан бири спектрал таҳлил қилаётган инглиз мунажжимлари Жефф Макдональд Рольф Хабинг ва Том Миллерлар тадқиқот давомида ана шундай ажойиб булутга «дуч» келганлар. «Коинот алкоғоль фабрикаси» ҳақиқий астрономик миқдорда «ишлаб чиқариш қуввати»га эга. У Ер кўрасидаги ҳар бир одамни триллион йил давомида, кунига триллион кружка пиво билан «сийлаши» мумкин экан!

«П.М. Магадин» журнали ушбу хабардан рўзланиб кетган алкоғоль ишқибозларининг ҳаяжонини бироз сўндиришга ҳам ҳаракат қилган: яъни алкоғоль булут кўраи заминимиздан 10 миң ёруғлик йили масофасида эканлигини эслатади.

## Билиб қўйган яхши

Сабзавотлар (лавлаги ва кўк нўхотдан ташқари) кунгабоқар мойига пиширилганда фойдали моддалар кўпроқ сақланади.

Лавлаги баргида илдиз мевасига нисбатан минерал тузлар ва дармондорилар кўп бўлади. Шунинг учун ёзда ёш лавлагиларни барги билан ишлатиш тавсия этилади.

Карам уч ой сақланса, С дармондорининг 25 фоизини, олти ойдан сўнг 35 фоизини йўқотади. Сабзавотларни сақлаш даврида А дармондориси, шунингдек, В гуруҳи дармондорилари сезиларсиз даражада парчаланadi.

Оқ бошли карам 20-30 дақиқа, гулкарам 20 дақиқа, лавлаги пўсти билан бир ярим соат, сабзи ва петрушканинг илдизи 15 дақиқа, шовул 5-7 дақиқа қайнатилганда пишади.

Кислота сабзавотлар пишишини секинлаштиради, шунинг учун сирка, лимон кислотаси, томат пастасини овқат пишиши арафасида солиш керак.

Томорқада ишлаб қорайган қўлни бир чой қошиқ қанд упаси қўшилган совун кўпигида ювилса, яхши оқаради.

Сабзавотларни тозалагандан сўнг қўлларни бир ош қошиқ сирка қўшилган сувга 5 дақиқа солиб ўтириш керак.

## Ватанга хизмат — муқаддас бурч

# Унутилмас кун бўлиб қолади

Мард йигитларимиз тинчлик таянчи, элу юрт суянчи. Улар борки осмонимиз мусаффо, сархадларимиз дахлсиз.

Ёшларимизнинг ҳар жиҳатдан илмли, салоҳиятли, кўрқмас ва жасур, она Ўзбекистонимизга муносиб фарзанд бўлиб вояга етишлари барчамиз учун энг олий мақсаддир. Истиқлолимизнинг 12 йиллик мушкул тўйини муносиб кутиб олиш арафасида турган юртимизда ҳар соҳада билимли, яхши тайёргарликка эга бўлган замон талабига жавоб бера оладиган, иччам ва ҳаракатчан армияни шакллантириш йўлида ҳам катта ишлар амалга оширилмоқда. Маълумки бу борада Президентимиз Ислоом Каримов иккинчи чакриқ Олий Мажлиснинг IX-сессиясида профессионал армия тузиш тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб: «Вояга етган ҳар бир йигит, ҳар бир фуқаро учун Куролли Кучлар сафида хизмат қилиш ўз конституцион бурчинини шунчаки адо этишдан иборат бўлмасдан, балки ҳарбий хизмат унинг учун нуфузли ва шарафли бир ишга айланиши зарур. Токи у ўзи англаб, ўзи танлаб олган мана шу ҳарбий касб эвазига ҳаётдан муносиб ўрнини ва эътибор топа олсин», — дея кенг маъноли сўзларини айтган эдилар.

Кунги кеча Чирчиқ шаҳрида сафарбарлик чақирув резерви хизматчиларининг ҳарбий қасамёд қабул қилиш маросими катта тантана, ўзига хос байрамга айланиб кетди.

— Сафарбарлик чақирув резерви хизматига келган йигитлар бир ой давомида махсус дастур асосида таълим-тарбия олдилар, — дейди Сафарбарлик йигини бошлиғининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, катта лейтенант Исроил Собиров. — Ишонамани уларнинг барча ўрганганлари ҳаётларида ҳамisha керак бўлади, уларни бир сўзли, қатъиятли, жасур ва мард бўлишга давъат этади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазири Қ.Фулмонов, Тошкент шаҳар ҳарбий округ кўмондони Б.Тошматов, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари А.Аҳмедов, шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармасининг


раиси Р.Ақромов, истеъфодаги генерал-лейтенант С.Охунжонов, фахрийлар, ота-оналар сўз олиб, аввало аскарларни, тантана иштирокчиларини, офицерлар ва барча ҳарбийларни яқинлашиб келаётган улуг шодиёна — Мустақиллигимизнинг 12 йиллик байрами билан кутладилар. Уларга соғлиқ-саломатлик тилаб, буюк бобокалонларимиз Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур воқислари, мусаффо осмонимиз, чегараларимиз дахлсизлигини химоя қила оладиган жасоратли, ватанпарвар ўғлонлар қато-



ридан ўрин олишларига тилак билдирдилар.

Фарзандларини аскарлик либосида, қатъиятли, ўқтам овозда, жанговар қуролни маҳкам тутганча ҳарбий қасамёд сўзларини шахдам қадам ташлаб, бурро тилда айтаётганини кўриб юраги фарға тулган ота-оналар, қасамёд қабул қилган аскарлар билан сўхбатлашдик, уларнинг дил сўзларини қоғозга туширдик.

Фарзандларини аскарлик либосида, қатъиятли, ўқтам овозда, жанговар қуролни маҳкам тутганча ҳарбий қасамёд сўзларини шахдам қадам ташлаб, бурро тилда айтаётганини кўриб юраги фарға тулган ота-оналар, қасамёд қабул қилган аскарлар билан сўхбатлашдик, уларнинг дил сўзларини қоғозга туширдик.



**Афзал ХОШИМОВ:**

— Мен ўғлим Хўсани кўриб, тўғриси ҳайрон бўлиб қолдим. Атиги бир ой олдин бағримиздан кузатган ўғлимиз бугун назаримда жуда ўзгариб қолгандек. Қатъиятли, ўқтам, дадил қадамли, эр йигитга айланибди. Мустақиллик туфайли Куролли Кучларимизда мана шундай хизматнинг янги тури жорий қилинди.

Ўғлонларимиз ҳар томонлама муносиб фарзанд бўлиб вояга етишларини тилайман.

**Камолитдин АҲМЕДОВ:**

— Бугунги кун биз учун умрбод унутилмас бўлиб қолишига ишонаман. Бугун бутун ирдамиз, куч-қувватимиз, қатъиятимиш билан Президентимизга, халқимизга содиқ бўлишга қасамёд қилдик. Бизга таълим-тарбия берган барча офицерлар ва командирларимизга раҳмат

айтмоқчиман. Ишонтириб айтаманки, умид-ишончларингизни албатта оқлаймиз. Аждодларимиз аънаналари, Ватанимиз, бурчимизга ҳамisha садоқатли, ор-номусли йигитлар қаторида бўламиз.

Тантана, табрик, истаклар узоқ давом этди, кўнгиллар ифтихор, гурур ҳисларига тўлди, айниқса, Фахрий қоровул ва Ҳаво ҳужуми десантчиларининг ҳарбий маҳорати намойиши, ҳарбий техника ва жанговар қурол-яроғларнинг кўргазмалари, Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлар ансамблининг навабдаги қалдирғочлари парвозга шайландилар. Парвозингиз юксак ва бехатар бўлсин, азиз ўғлонлар!

(Ўз мухбиримиз).  
**СУРАТЛАРДА:** ҳарбий қасамёд қабул қилиш маросимидан лавҳалар.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.

## Савдо ярмаркаси очилди

Кейинги йилларда пойтахтимизда вилоятлар соҳибкор-деҳқонларининг кишлоқ хўжалик савдо ярмаркаларини ўтказиш аънанага айланиб бормоқда. Шу кунларда энг улуг, энг азиз бўлган Мустақиллик байрами олдидан шаҳарнинг 11 та тумани гавжум савдо марказларида ана шундай ярмаркалар ташкил этилди. Жумладан, айни кунларда Фарҳод деҳқон бозорини ҳам андижонлик миришкорлар томонидан етиштирилган кўпга турдаги сабзавот ва полис маҳсулотлари аҳолига бозордагидан 20-30 фоиз арзон нархларда сотилмоқда. Ярмаркада кишлоқ хўжалик маҳсулотларидан ташқари гўшт, асал ҳамда қуруқ мевалар хариддорлар эътиборига ҳавола этилаётди.

— Саховатпеша деҳқонлар келтирган сифатли маҳсулотларни олибсотарлар кўлига ўтиб кетмаслиги чораларини кўряймиз, — дейди. «Вилоятмевасабабот» биришмаси раиси К. Ҳамидов. — Асосий мақсадимиз — байрам олдидан бозордаги нарх-навоми ва аҳоли дастурхони тўкинчилигини таъминлашдан иборатдир.

10 сентябрьга давом этадиган савдо ярмаркасида Андижондан жами 1300 тоннага яқин маҳсулот келтирилиши мўлжалланган бўлиб, шу кунгача 110 тоннадан ортиғи миқозлар томонидан харид қилинди.

Маълумки, байрам арафасида аҳолининг барча маҳсулотларга эhtiжи ортади. Натижада, бозордаги нархлар кўтарилиб кетади. Шу жиҳатдан олганда пойтахтда савдо ярмаркалари ташкил этилгани алоҳида эътиборга сазовор бўлмоқда.

Одил ЭРГАШЕВ

Тошкент шаҳар ҳокимияти  
"Камолот" ёшлар иқтисодий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими  
"Севимли шаҳрим" акцияси доирасида  
"Озода шаҳар"  
таърифи ўтказилади.

Тез кунларда Сизнинг маҳаллангизда махсус жамоа ва сеvimли радиостанциянгизнинг бошловчилари иш олиб боришади.

Сиз ўз кўчангизни чиқинди-аҳлатлардан тозаланг!

Ва Сиз сеvimли радиостанция орқали эфирга чиқиш имкониятига эга бўласиз.

Маълумотлар ТТV телеканали, "Пойтахт-информ" радиостанцияси, "Тошкент оқшоми", "Вечерний Ташкент" газеталарида.

Бизнинг Мошкетин-озода шаҳар!

www.tashkentkamolot.uz  
Мавзил: Тошкент шаҳар, 700005, Мовароуннаҳр йўчаси, 14  
Маълумот учун телефонлар: 133-21-05, 133-38-03

Шарқ дурдоналари

Озоз Ҳақиқат Доно бўлур...

• Танинг соғ экан, ҳали кексаймаган экансан, куч-қудратинг бор экан, имкон борича ниманидир яратишга ҳаракат қил. Уйингни ўт олгандан кейин қудук қазийингдан нима фойда.

• Яхши қариялар бор жойда одобли ёшлар етишиб чиқади, улар йўлчи юлдуздек нур сочиб турдилар.

• Кексалик донолик билан уйғунлашиб кетса, азим дарё бўлиб элга хизмат қилади.

• Темир қальни ёшлар қилич ишлатиб йиқитсалар, қарилар фикр билан ағдардилар.

Бир ҳақимдан сўрадилар:
— Сен учун энг улуг киши ким?
— Отам, отамнинг отаси, энг катта бобом, у бобомнинг онаси энг улуг кишилар, улар ҳаёт дарсини ўқиган қарилардир.

Байт:
Бўйин товлама кекса тадбирдан, Қарияларда бор тажриба фикру фан.

• Иззат-ҳурмат, ота ва онани, шунингдек болаларни ҳам қўриқлаб турувчи посбондир. У ота-онани қулдат ва ғамдан, болаларни эса виждон азобидан қутқаради.

• Фарзанд ота-она учун жондир. Борди-ю у ноҳақиб бўлса озори жондир.

• Емон фарзанд ота-она учун бадандаги ортиқча бармоқ. Кесиб ташласа оғриди, тек қўйса айб саналади.

Бир донишманднинг шогирди устозидан:
— Одамлар орасида эзгулик қилишга энг сазовор бўлган одам ким? — деб сўради.

— Онанг, — деб жавоб берди устози.

Шогирди яна сўради:
— Ундан кейин ким?
— Онанг, — деб айтиди устоз.

Шогирд яна сўради:
— Ундан кейин яна ким?
— Онанг, — деди донишманд устоз.

Шогирди яна тўртинчи марта «Ундан кейин ким?» деб сўраган устози:

— Отанг ва бошқа қамму-қариндошларинг, — деб жавоб берди.

• Китобларда баён қилинишича, ота-онанинг фарзандга нисбатан 80 та ҳаққи бор. Уларнинг 40 таси тириклик вақтида ва қолган 40 таси ўлгандан кейин амалга оширилади. Тириклик чоғидаги 40 та ҳақнинг 10 таси танга, 10 таси тилга, 10 таси дилга ва 10 таси молга тааллуқлидир.

Танга тааллуқли бўлган 10 та ҳақ ота-онага сидқидилдан хизмат қилишдир. Бу шундайки, ота-онага ҳамма вақт ҳурмат қўзи билан қаралади. Қилма деб буюрган ишлари қилинмайди, уларнинг маслаҳати ва розилигисиз ҳеч бир ишга қўл урилмайди. Яна улар сен ўтирган жойда ҳозир бўлсалар, сен дарҳол ўрингдан туриб қутиб олсан, улар ўтирган бўлишса, сен оёқда тик турасан. Улар ўтирадиган ўринга сен ўтирма. Уларнинг олдида очик чехра билан ўтир. Қовоғингни солма, хўмрайиб қарама, чакригиларида эса югуриб бор.

Аммо дилга тааллуқли бўлган 10 нарса шундан иборатки, биринчи — уларга раҳму шафқат билан қара. Иккинчи — уларга доимо қўлингдан келганча яхшилик қил. Сенинг шодлигинг уларнинг хурсандчилиги билан бўлсин. Улар ғам тортсалар сен ҳам қайғур ва уларнинг дардига малҳам бўлиш йўлини қидир. Ота-онангга қанчалик яхшилик қилмагил ва ҳақларини адо қилмагил уларнинг диллари заррача озор топишини ўзинг учун ор деб бил. Уларнинг қандай ниятлари бўлса ўша ниятларига етишлари учун ҳаракат қилмоқ даркор. Улар қанчалик узоқ умр кўрсалар шунчалик қувон. Қанчалик дардли бўлса шунчалик қўнглини олишга урин.

Мамлакатимизда ҳар йили мунтазам ўтказиб келинаётган турли хил қўриқ-танловлар санъат майдонига кириб келаётган ёш истеъодларни аниқлаш ва уларга бўлган эътибор ва ғамхўрлик намунасидир.

Куни кеча шахримизнинг муҳташам «Халқлар дўстлиги» саройида Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Ўзбекинавхо» эстрада бирлашмаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёш истеъодлар учун таъсис этилган «Нихол-2003» мукофоти совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Маросимни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳамидулла Қароматов очиб, Президентимиз номидан мукофот номзодларини чин дилдан қутлаб, уларга омадлар тилади. Саҳнага чиққан ушбу мукофот номзодларининг барчасига Президентимиз томонидан таъсис этилган «Нихол-2003» мукофоти номзоди» сертификатлари топширилди. Шундан сўнг биринчи анъанавий ижрочилик йўналиши бўйича номзодларнинг қўшиқлари тинланди. Ва бу йўналишида Дилнура Мирзакулова, Гулзода Худойназарова «Нихол-2003» мукофоти сазовор бўлдилар. Маросимнинг иккинчи ва учинчи қисмидаги эстрада йўналиши бўйича эса номзодлар орасидан Лола Расулова, Гулнора Алижондова, Дилноза Мирзахўжаева, Исроил Саидуларов, Адҳам Солиев, Оксана Нечитайло, «Сахар» гуруҳи ва Самандар Ҳамро-



Тошкент азалдан сайёҳларни ўзига жалб этиб келган. Унинг асрларга тенг қадимий меъморчилиги ва бугунги замонавий иншоотлари нафақат хорижликларни, балки пойтахтга узоқ вақт мобайнида келмаган ўзбекистонликларни ҳам қўйил қолдириб келади. Лекин тошкентликларнинг ўзлари саёхатни ихтиёр этиб қолсалар-чи? Одатда ёзи таътил даврида тоғ ёнбагрини ёки балик овини кўнгли тусаб қолганлар шаҳар чеккаларига ўзларини уришади. Бир сўз билан айтганда, уларга экологик туризм ёрдамга келиши мумкин. Ана шу экологик туризмнинг ўзи нима ва унинг бугунги кундаги аҳамияти ҳақида биз «ЭКОСАН-ТУР» халқаро экологик туризм маркази директори Шавкат ШОДИМЕТОВ билан суҳбатлашдик.

— Шавкат Юсуфжонович, экологик туризм ҳақида қисқача гапириб берсангиз. Унинг афзалликлари нимада кўринади?

— Ҳақиқатдан ҳам Тошкент Марказий Осиёдаги энг йирик ва тараққий этган шаҳарлардан бўлишига қарамастан, унинг экологик жаҳаси барча йирик пойтахтлар сингари анча оғирдир. Лекин бу ерда истиқомат қилиб, ижтимоий меҳнат билан банд бўлганлар доимо тоза ҳавога интилиб яшашади. Масалан, баъзилар дарё бўйида балик овлашни исташса, бошқалар тоғ ёнбағирларида дам олишни хоҳлашади. Ана шу табиат билан яқинлашшини хоҳловчилар учун ташкилотимиз табиат қўйнига саёхат уюштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Масалан юртимизга келаятган туристлар мамлакатимизда ҳар сафар меҳмон бўлганларида тарихий обидаларни кўраверишни ихтиёр этмайдилар. Уларда қандайдир янги хохши, яъни табиат қўйнида хордиқ чиқариш истаги пайдо бўлганда бизнинг туристик фирмамиз ёрдамга кела олади.

— «ЭКОСАН-ТУР» ташкилотини саёхатчиларга айна қандай хизмат турларини тақдир эта олади?

— Экологик туризмда кишиларга табиат қўйнига саёхат хизмати тақдир этилади. Масалан, биз Чимён-Чорвоқ курорт зонасига, Зомин миллий боғига, Нуро-та тепалиқларига, Зарафшон, Қизилқум, Бадай-Тўғай қўриқонала-



• «НИХОЛ-2003»



Совриндорлар тақдирланди

қулов ушбу мукофот совриндорлари деб топилди. Совриндорларга мукофотларни сеvimли санъаткорларимиз — М. Сатторова, Ф. Зокиров, Н. Абдуллаева, С. Назархон ва бошқалар тантанали равишда топширдилар. Шунингдек, тадбирда таниқли санъаткорлар ўз қўшиқлари билан совриндорларни қутладилар. Тадбир сўнгида қатнашувчилар ва мукофот соҳибларини суҳбатга тортидик.

• Фаррух ЗОКИРОВ, Ўзбекистон халқ артисти:

— Мана уч йилдирки, Президентимиз ташаббуслари билан ёш истеъодларни қўллаб-қувватлаш мақсадида таъсис этилган мукофотнинг «Нихол» деб номланиши бежиз эмас. Унда, албатта, катта маъно ва мазмун муҷассам. Ҳар қандай инсон ниҳолни эканидан сўнг меҳр қўйиб, парвариш қилади. Худди шунингдек, эндигина санъат майдонига қадам қўяётган ёшларимизга ҳам эътибор ва ғамхўрлик керак. Ташкил этилган ушбу танловда ташкилий қўмита ва ҳайъат аъзолари ҳам ёш, истеъодли санъаткорлардан иборат бўлди. Уч босқичдан иборат бўлган танловда 125 иштирокчидан 22 нафари номзодликка қабул қилинди. Улар орасидан 10 нафари «Нихол» мукофотиغا

сазovor бўлдилар. Албатта, бу ёшлар ўз овозига, ўз йўналишига эга. Уларнинг келгусида мумотоз қўшиқ бўладими, эстрада йўналишидаими, халқимизга манзур бўладиган, уларнинг қалбидан ўрин олаётган ажойиб қўшиқлар яратишига ишонманам.

• Самандар ҲАМРОҚУЛОВ, «Нихол-2003» мукофоти совриндори:

— Албатта, мен учун бугун бахтли кун бўлди. Бу мукофотга сазовор бўламан, деб ўйламагандим. Ҳозир жуда хаяжондаман ва ниҳоятда хурсандман. Шундай яхши кунларга етказганига шукроналар айтаман. Авваламбор, Юртбошимизнинг биз — ёшларга бўлган эътибор ва ғамхўрликларидан беҳад миннатдорим. Менга билдирилган ишончни оқлаш учун бор истеъодимни янада бойитиб, халқимизга манзур бўладиган гўзал қўшиқлар яратишга, санъатимизни юксалтувга қўтаришга озгина бўлса-да ўз улушимни қўшсам, ўзимни бахтиёр ҳис этардим.

Дилором ИКРОМОВА СУРАТЛАРДА: «Нихол-2003» мукофоти совриндорларини тақдирлаш маросимидан лавҳалар.

С. Любич олган суратлар.

рига от ёки туяда саёхат уюштиришимиз мумкин. Қўллаб саёхатчилар ёзги ҳор-

ладиган қайиқ ёки катамаранларда саёхат уюштириб, балиқ овлаш учун имконият яратилади.

• ЮРГАН — ДАРЁ Шаҳарликлар табиатга ошиқишади



дикни сув бўйида ўтказишни исташади. Бундай шинавандалар учун Сирдарё ва Тошкент вилоятларида ҳаво орқали дам бери-

Шунингдек, Бухоро, Шахрисабз, Хива, Қумушқон, Билдирсой сингари сўлим даргоҳларга малакали гид билан биргаликда, мижоз-

ларга эса тоғ велосипедида саёхат ҳам уюштириш мумкин. Қишқи мавсумда Чимён тоғларида саёхатлар ташкил этилади. Шуниси қизиқки, бу туристик йўналишларимиз нафақат хорижликлар учун, балки маҳаллий аҳолимиз учун ҳам аҳамиятли ҳисобланади. Чунки кишиларимизнинг ўзларида ҳам экологик саёхат ҳақидаги тушунча-маълумот кам.

— Сизнинг асосий саёхатчи-мижозларингиз кимлар?

— Ҳозирги кунда «ЭКОСАН-ТУР» ташкилотини хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги қўшма корхоналари билан, ўнлаб мамлакатларнинг Ўзбекистондаги элчионалари билан музокара олиб бормоқда. Чет элликлар доимо туристик ташкилотларнинг истиқболли мижозлари ҳисобланиб келишган. Лекин табиат қўйнига саёхат қилиш, тоза кислороддан тўйиб нафас олиш ўзимизнинг пойтахтликларга ҳам ортиқчалик қилмайди. Шунинг учун биз маҳаллий аъзоларимизни, Тошкентда фаолият кўрсатаятган корхона-ташкилотларнинг жамоаларини экологик саёхатларга олиб чиқдик. Эътиборли жиҳати шундаки, қўнгина туристик ташкилотлар ҳисоб-китобини асосан нақд пул билан амалга оширишса, бизнинг ташкилот пул ўтказиш шаклида ҳам ишлайверади. Ана шундай имконият тўғрисида бўлса керак, шу бугунга қадар мингга яқин мижозларнинг табиат қўйнига олиб чиқиш, улар соғлигини яхшилашга, меҳнат унумдорлигини оширишга эришдик. Балик овлаш ёки бўлмаса туя ва отларда саҳро бўйлаб саёхат қилиш кимга ҳам ёқмайди, дейсиз. Бундай экологик саёхат одамларни яна бир бор табиатга яқинлаштиради ва саломатликларига ижобий таъсир кўрсатади.

Даврон ИСМАТОВ суҳбатлашди

**Футбол**

**Сафардаги аjoyиб ғалаба**

Осиё чемпионати саралаш ўйинларига ҳозирлик кўраётган икtidорли мураббий Равшан Ҳайдаров етакчилигидаги ўзбекистон терма жамоаси футболчилари Латвиянинг Рига шаҳрига ташириб буюришди. Бу ерда Латвия терма жамоаси билан уюштирилган ўртоқлик учрашуви футболчиларимизнинг айни кунлардаги тайёргарлиги қай аҳволда эканлигини яққол исботлади. Шуниси қувонарлики, Равшан Ҳайдаров ушбу беллашувда фақатгина маҳаллий футболчилар кучинингидан синовдан ўтказмади, аксинча хорижда тўп сураётган чарм тўп усталарининг асосий қисми ҳам шу кунги майдонга ҳаракат қилди.

Очиги, мутахассислару ишқибозлар ушбу ўйда ўзбекистонликларнинг ғалаба қозонишига унчалик ҳам ишонмаётгандилар. Ҳар ҳолда сафарда дуранг натижага эришиш ҳам катта гап эди. Аммо, «майдон текис, тўп юмалоқ», деган мақол ҳам беҳиз айтилмаган. Бунинг устига меҳмонлар учрашувга жиддий тайёргарлик кўрганликлари, легионерларимиз ҳам яхшигина спорт формасида эканликлари маълум бўлиб қолди. Аввалига Ақоянц, кейинроқ Солиев ва Гейнрихлар томонидан дарвозага киритилган чиройли голлар ўзбекистонликларнинг сафардаги йирик 3:0 ҳисобидаги ғалабасини таъминлади. Шундай қилиб Равшан Ҳайдаров шогирдлари юртимизга ёруғ юз билан қайтишди.

**«Белтепа» — шаҳар босқичи голиби**

Республика Халқ таълими вазирилиги, «Маҳалла» жамғармаси ҳамда Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ҳамкорлигида ташкиллаштирилган «Футболимиз келажаги» турнири қизгин паллага кирди. Кунги кеча Тошкент шаҳридаги «Жар» спорт мажмуасида 13-14 ёшли ўсмирлар ўртасида «Футболимиз келажаги» турнирининг Тошкент шаҳар босқичи финал мусобақаси ўтказилди. Унда Юнусобод туманининг «Посира» ҳамда Шайхонтохур туманининг «Белтепа» жамоалари голиблик учун кураш олиб боришди. Кескин курашларга бой ўтган ушбу беллашувда рақиблари дарвозасини уч бор ишгол этиб ўз дарвозаларидан биттагина тўп ўтказиб юборган шайхонтохурликлар Тошкент шаҳар босқичи голиблигини кўлга киритишди. Эндиликда улар «Футболимиз келажаги» турнирининг Республика босқичида қатнашадилар.

**Гуруҳ баҳслари бошланди**

Болалар ва ўсмирлар ўртасида ташкиллаштирилган «Футболимиз келажаги» турнири давом этмоқда. Кунги кеча пойтахтимиздаги «Тўқимачи» ўйингоҳида 9-10 ёшли болалар ўртасида «Футболимиз келажаги» турнирининг Тошкент шаҳар босқичи гуруҳ баҳсларига старт берилди. Унда пойтахт туманларининг голиб жамоалари «А» ва «В» гуруҳларига бўлинган ҳолда голиблик учун ўзаро майдонга тушмоқдалар.

**Ҳаяжонли фильм**

Мамлакатимизнинг йирик санъат қошонаси ҳисобланган Алишер Навоий номидаги ўзбекистон Давлат академик катта опера ва балет театрини бунёд этишда япониялик кўли гул бинокорлар ҳам фаол иштирок этишган эди. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг япон ҳарбий асирлари ўз бунёдкорлик маҳоратини ишга солиб, ушбу театр биносининг янада кўркам бўлишига ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Пойтахтимиз марказида салобатли қад кўтарган бу ғўзал бино вақт ўтиши билан таъмирталаб бўлиб қолди. Уни тўп таъмирлаш ишларини олиб боришда Япония ҳукумати химмат кўрсатди. Театр томоша зали замонавий техник воситалар билан жиҳозланди. Ҳундиклар янгилири билан алмаштирилди.

Ана шу каби сайё-ҳаракатлар яқинда суратга олинган ҳужжатли фильмда ўз аксини тоғди. Атоқли санъаткор Бернара Қориванинг театр биносини қуришда қатнашган япон ҳарбий асирлари тўрисидаги ҳикояси ҳам ҳаяжон билан томоша қилинади.

Ақбар Йўлдошев

**Тошкент шаҳар ҳокимияти**

«Қамолот»  
ёшлар ижтимоий ҳаракати  
Тошкент шаҳар бўлими

*«Советини шаҳримини ақибаси доғирасида»*  
**«Тошкент-гулшар шаҳри»**  
*кўрик-танловни ўтказилади.*

**Маълумотлар**  
ТТВ телеканали, «Пойтахт-информ» радиостанцияси,  
«Тошкент оқшоми»,  
«Вечерний Ташкент»  
газеталарида.

**Кўрик-танлов шартлари:**  
Кўрик-танловда Тошкентдаги корхоналар, ўқув муассасалари ва пойтахт фуқаролари иштирок этишлари мумкин.

Сизнинг фантазияингиз аjoyиб гулзорлар, боғлар, майсазорлар, турли манзарали гулдеворлар ва бошқа узига хос ландшафт ечимлари яратишига қодирми?

Кўрик-танлов иштирокчилари яратилган гулзорлар ва манзарали усимликларнинг фотосуратлари ва видеотасмаларни таймиклотчиларга 1 октябрдан тақдим этишлари зарур.

*Нобриланган фотосуратлар ва видеотасмалар нусхалари ҳайратанг авлодлари томонидан ўзлаштириб чиқилмади ва голиблар аниқланади.*

**www.tashkentkamolot.uz**  
Манзил: Ўзбекистон шаҳри, 700006, Мавлютовлар кўчаси, 13  
Мавлютовлар ўқув кенети (фони) рақ. 033-21-05, 133-38-03



• ТАДБИРЛАР

**Боғда аския сайли**

Ғафур Фулом номидаги маданият ва истроҳат боғида ҳар йили Мустақиллик байрами арафасида йирик маданий тадбирларни ўтказиш яхши анъана тусига кирган.

Бу йил ҳам файзли дам олиш гўшасига йиғилган ҳам-шаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонлари Чилонзор туман ҳокимлиги, туман маданият ишлари бўлими, Ғафур Фулом номидаги маданият ва истроҳат боғи ташаббуси билан уюштирилган қаторасига учта тадбир — «Ўрта-мумтоз куй ва қўшиқлар ижросидаги ўзбекистон халқ артисти Муроджон Аҳмедов хотирасига бағишланган қўшиқчилар кўрик-танлови», «Барҳаёт сиймолар» туркумидан ўзбекистон халқ артисти Муроджон Аҳмедов, аскиячи ва қизқичлар — ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист ва маданият ҳодимлари ака-ука Зайнобиддин ва Мадамин Шаркаржоновлар ҳамда Қирғизистонда хизмат кўрсатган артист Қаримжон Уриновлар хотирасига бағишланган тадбир ҳамда ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 12 йиллиги ва Обод маҳалла йилга бағишлаб Аския кечаси халқ сайлини мазза қилиб томоша қилишди.

Дастлаб республикамизнинг турли вилоятлари ва қўшни Қирғизистондан келган ҳофизлар Муроджон Аҳмедов номидаги кўрик-танловда ўз маҳоратларини намойиш этишди. Айниқса Самиди Холматов, Шерали Раҳмонов, Махфуза Боймирзаева, Собир Эшонбеков каби санъаткорларнинг ширали овози мутахассис ва мухлисларда катта таассурот қолдириб, улар танловнинг голиб ва совриндорлари сафидан ўрин олишди. «Барҳаёт сиймолар» тадбиридан сўнг «Келинг дўстлар, кулиг дўстлар, умингиз ўзюк бўлади» номли аския кечаси айниқса кулги шинавандаларида катта таассурот қолдириди. Боққа йиғилган кўп сонли кулгисеварлар кўрклик аскиячилар Жўраҳон Пўлатов, Нейматжон Тошматов, Ақромжон Анваров ва Мансуржон Оқунов, Фарғонанинг етакчи кулги усталари Мамасиддиқ Шираев, Ҳотамжон Ҳакимжонов, Абдулла Ақбаров, Баҳодир Шокировларнинг ичакуди пайровларидан олам-олам завқ олишди.

Энг муҳими, аския усталари турли пайровларини томошабинлар истагига қура икरो этишди. Ҳушовов хонандалар Шерали Раҳмонов, Самиди Холматов, Марьям Сатторовалар ижросидаги мумтоз қўшиқлар кечага ўзгача фойз бахш этди.

Тадбир якунида Муроджон Аҳмедов хотирасига бағишланган қўшиқчилар кўрик-танлови голиблари, аския усталари Чилонзор туман ҳокимлиги, туман маданият ишлари бўлими ва боғ маъмурияти томонидан ажратилган қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

**ДИЛШОД ИСРОИЛОВ**  
СУРАТДА: аския кечасидан лавҳа.  
Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.

• САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

**Ўрик шарбати шифобахшми?**

Жазирама кунларда аҳолининг чанқовбосди салқин ичимликларга бўлган эҳтиёжи ошади. Бу пайтда шахсий гигиена қоидаларига риоя қилмаслик оқибатида ўткир юкумли ичак касалликлари билан ҳасталаниш кўпаяди. Чунончи, кўплаб фуқаролар бозорларда меваларни харид қилишдан олдин уларни ювмаздан мазасини татиб кўрадилар, чанқоқларини сифати қафолатланмаган ўрик шарбати, айрон, квас, компот, совуқ чой ичимликлари билан қондиршига уринадилар, аслида эса ўз пулларига турли хилдаги ўткир юкумли касалликларни сотиб олаётганларидан беҳабарлар.

Дарҳақиқат, кейинги пайтда аҳоли гавжум жойларда, шохқўчалар бўйларидан айрим фуқаролар фақат шахсий манфаати йўлида тақиқланган ўрик шарбатини сотаётганини ўратиб мумкин. Санитария-эпидемиология хизмати томонидан уй шароитида тайёрланган бундай ўрик шарбати ёки айрон, компот каби қўлбола ичимликлар лаборатория таҳлилларидан ўтказилганда, аксарият ҳолларда уларда касаллик қақирувчи микроблар мавжудлиги аниқланган. Чунки ушбу ичимликларни тайёрлаш шароитлари, фойдаланиладиган хом ашёлар, идишлар санитария-гигиена талабларига умуман жавоб бермайдилар. Қолаверса, уларни сотаётган фуқароларнинг ўзи ҳам тиббий қуриқдан ўтмаган. Текширувлар натижасига кўра ичимлик анжомлари истеъмол мақсадларига тўғри келмаслиги аниқланган. Хусусан, аксарият ичимлик солинган идишларга цинк қопламаси берилгани, темир тунақадан ясалгани ёки кир ювиш машинасининг мағзава тўкиш найидан фойдаланилишига қандай изох бериш мумкин!?

Шу ўринда ушбу «шифобахш» ичимлик тайёрлини ҳусусида тўхталиб ўтишни жоиз деб билдик. Ноконуний тарзда фаолият юритаётган тадбиркорлар бозордан энг арзон, кўпчилик ҳолларда кўрт-қумурсқалар билан зарарланган, ўрик туршаларини сотиб олиб, 2-3 соат давомида қайнатадилар, тайёр бўлган ичимликни филга ёки кастроилларда ариқларда совутадилар, сўнг техник муз қўшиб, юқорида қайд этилган қўлбола анжомларга қуйиб савдога чиқарадилар. Шунга ҳам эслатиб ўтиш лозимки, ичимлик қуйиб бериладиган қоса ёки стаканлар водопровод сувида ювилмайдилар.

Мавжуд вазиятни ҳисобга олган ҳолда аҳолининг саломатли-

гини муҳофаза қилиш мақсадида шаҳар санитария-эпидемиология хизмати Ички ишлар бош бошқармасининг махсус батальонидан ходимлари билан ҳамкорликда мунтазам равишда рейд текширувларини ўтказмоқда. Дастлаб амалга оширилган рейдлар давомида ўрик шарбатини сотаётган фуқаролар билан бир неча бор тушунтириш ишлари олиб боририлгани ва улар оғохланрилишига қарамай, ноконуний фаолиятини давом эттирмоқда. Ўз фаолиятини қонуний йўлга қуйиш ўрнига айрим фуқаролар ўрик шарбатини ва бошқа ичимликларни бир мартаба фойдаланишга мўлжалланган полиэтилен идишларда сотишни ўзига эп билмоқда. Бундай идишлар қаердан олингани, уларда илгари қимвий моддалар ҳам сақланган бўлиши мумкинлигидан албатта истевмолчилар маълумотга эгамасдир.

Мавсум бошидан шу кунга қадар 246 та ўрик шарбатини сотиш мосламалари олиб қўйилган бўлса, 4667 литр ичимлик оқвава суви тизимига тўкиш йўли билан йўқ қилинган. Аммо шаҳримиз аҳолисининг саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида ташкил этилган ишчи гуруҳлари томонидан амалга оширилаётган чоратадбирларни етарли эмас, деб биламиз. Ўрик шарбати ичимликларини сотаётган «ишбилармонларга нисбатан қарши курашда маҳалла фаоллари, хар биримиз ўз ҳиссамизни қўшас мақсадда мувофиқ бўлар эди. Бундай ичимликларни истеъмол қилувчилар бўлмас уларни ишлаб чиқарувчи ва сотувчилари ҳам ўз-ўзидан йўқ бўлади.

**ШУХРАТ ЮСУПОВ,**  
Тошкент шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг овқатланиш гигиенаси бўлими мудирини.



**Бош муҳаррир Ақмал АҚРОМОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**

ҳатлар — 133-29-70;  
эълонлар: 133-28-95, 132-11-39;  
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.  
3871 нусхада босилади. Қўғи бичими А-3

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жұма кунлари чиқади.*

Навр кўрсаткичи — 563

Ҳафта Ўзбекистони Давлат маъмуриятининг қўлида бўлиб чиқади.  
10-рақамдан билан бўлиб тақдим олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимадари еки «Тошкент почтамаъноси» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Ҳафта «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилиб ва сақиданланди.

«Шаҳри» нашрини-матбоси асосқидорлик қилган «Тошкент оқшоми» босма маъмуриятининг Корхона манзил: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.